

# O'zbekistonda sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgzt, uzss@yandex.ru • 2023 йил 2 февраль • №5 (1439)

## МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Кун кеча Коррупцияга қарши курашиш агентлигида Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси ижросига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Унда Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятов иштирок этиб, ушбу йўналишда амалга ошириладиган ишлар бўйича маъруза қилди.



Мулоқот рақами ҳамда 71 241-10-65 "Ишонч телефони", 1003 ва 1203 қисқа рақамли алоқа линиялари ишга туширилди. Ўрта тиббиёт ходимларини ишга қабул қилишда электрон резюме юбориш имконияти яратилиб, давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона очиқ портали орқали танловлар эълон қилиш йўли билан малакали кадрларни танлаб олиш амалиёти жорий этилмоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Коррупцияга қар-

ши курашиш агентлиги ўртасида тиббиёт соҳасини коррупциядан холи қилиш ҳамда бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида, бу борада қилинаётган ишларни жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларига тақдим этиб бориш ҳамда муҳокама қилиш амалиётини йўлга қўйиш, тиббиёт муассасаларига ишга қабул қилишни очиқ танлов асосида амалга ошириш, синов тадбирларини интернет тармоғи орқали реал вақт ре-

жимида кузатиб боришни таъминлаш, ишга қабул қилиш бўйича келган мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича, тиббий ускуна ва жиҳозлар талон-тарож қилинишининг олдини олишга қаратилган, муассасалар кесимида жами ўринлар сони улардаги банд қилинган ҳамда бўш турган ўрин(жой)лар ҳақида онлайн маълумот берувчи қатор электрон платформалар яратиш. Шунингдек, вазирликнинг расмий веб-сайтида тизимдаги барча муассасалар кесимида бўш иш ўринлари ҳақида маълумотларни акс эттириб бориш, тиббиёт ходимларига муносиб меҳнат шaroитини яратиш ва даромадини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш бўйича амалий чора-тадбирларни белгилаш, хизматлар кўрсатиш технологияси, кадр ресурслари, дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари сарфла-ниши бўйича ягона реестр яратиш, барча тиббиёт муассасалари учун ягона электрон ба-

зани ишга тушириш, маблағлар сарфланиши устидан қатъий жамоатчилик назорати механизmlарини жорий этиш, тизимда коррупция хавфи юқори бўлган соҳа ва йўналишларни давлат хизматлари марказларига ўтказиш ҳамда электронлаштириш режасини ишлаб чиқиш, вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий тузилмаларида алоҳида штат бирликлари асосида коррупцияга қарши ички назорат тузилмаси (“комплаенс-назорат”) фаолиятини самарали ташкил этиш чораларини кўриш каби саъй-ҳаракатларни биргаликда амалга оширишга келишиб олинди.

✓ **Мулоқот якунида Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг 17 бандан иборат Қўшма баёноти имзоланди.**

Намозжон ТОЛИПОВ.

### ТИББИЁТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

## МИЛЛАТНИНГ САДОҚАТЛИ УСТОЗ – ШИФОКОРИ

Устознинг ҳар бир кун янгиликларга бой. У киши бир зум ҳам тиним билмайди. Илм-фан тараққиёти йўлида ўзини фидо қилишга тайёр бу инсондан ватанпарварлик, касбга садоқат ва юртга муҳаббат фазилатларини ўргансак арзийди. Устоз вақтни қадрлайди... Тиббиётнинг ҳар бир сониясида, ҳеч шубҳасиз у кишининг меҳр тўла нафаслари сезилиб туради. Ҳамон кечагидек эсимизда 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўқитувчи ва мураббийлар кун муносабати билан таълим-тарбия тизимида алоҳида ўрнатилган кўрсатилган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги фармонида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг гистология, патологик анатомия кафедраси профессори Эркин Атабаевич Турсунов “Фидо-корона хизматлари учун” ордени билан тақдирланганларида барчамиз бирдек мамнун бўлган эдик...

Бугун замонамиз қаҳрамонининг ҳаёт ва фаолият йўлига назар ташлар эканмиз, ана шундай ибратли умр халқимиз орасида “Умр мазмуни”, деган шох сатрларда битилади. Унинг устидан беихтиёр сирли рақамлар олис-олисдан сўйлагандек бўлиб кўринаверади. Келинг, бугун эътиборингизни юртимиз тиббиётининг даргаларидан бири бўлган устозимиз Эркин Турсуновнинг ҳаёт йўлларидаги ибратли фаолият-



лари ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги масъулиятли ва шарафли ишлари, шунингдек, тарихда из қолдирувчи эзгу

фазилатларига қаратамиз.

Эркин Атабаевич 1938 йилнинг 7 февралда Тошкент шаҳрида таваллуд топган.

Устоз ёшлигиданок, билимга чанқоқ бўлиб, 1957 йилда ўрта мактабни олтин медаль билан тугатди. Тиббиётга бўлган қизиқиши туфайли Тошкент тиббиёт академиясининг (собиқ Тошкент тиббиёт институти) талабаси бўлди. Етук мутахассис курсдошлари орасида ўзининг илмига бўлган иштиёқи, янгиликлар сари интилиши ҳамда аъло баҳоларда ўқиши билан ажралиб турарди. Ёш шифокор ўқиши давомида мазкур академияда ёшлар кўмитаси аъзоси ва котиби, шунингдек, Чинобод са-

Давоми 2-бетда →

Устозимизнинг мамлакатимиз тиббиёти тарихи зарварақларидан ўрин олган ютуқларини санайдиган бўлсак, бу борада эришилган муваффақиятлар кетма-кетлигини кўрамиз. Албатта, ана шундай ютуқларнинг замирида бой тажрибаси билан

халқимиз саломатлиги йўлида астойдил меҳнат қилиб келаётган, шунингдек, етук мутахассисларни етиштиришда ўз билим маҳорати билан катта ҳисса қўшаётган профессор устозимиз Эркин Турсуновнинг машаққатли меҳнатлари му-жассам эканлигини кўрамиз.

ТИББИЁТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

# МИЛЛАТНИНГ САДОҚАТЛИ УСТОЗ-ШИФОКОРИ



← Давоми. Боши 1 бетда

наторийсида навбатчи фельдшер бўлиб ишлади. 1963 йилда олийгоҳни тугатгач, илк фаолиятини Қашқадарё вилояти коллежида педиатрия, одам физиологияси фанлари бўйича ўқитувчи ва шаҳар болалар шифохонасида шифокорлик вазифасидан бошлади. Изланувчан шифокор илмий салоҳият йўлида ҳам янгиликлар сари интилиб, 1972 йилда “Қўп проксимал қисми олиб ташланган ингичка ичакнинг морфофункционал хусусиятлари” мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади. Ўз касбининг мохир устаси Эркин Атабаевич фаолияти давомида 1972 ва 1981 йилларда Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг гистология кафедрасида ассистент, шу билан бирга, талабалар касабаси раиси, сўнгра, деканат ходими ва катта илмий ходим вазифаларида иш олиб борди. 1979-2002 йилларда жамоатчилик асосида электрон микроскоп лабораторияси мудури бўлиб ишлаганда раҳбарият томонидан бир неча бор раҳматномалар олишга муваффақ бўлди. Шунингдек, 1981-1991 йилларда институтнинг гистология кафедрасида доцент лавозимида фаолият юритиб, талабаларга сабоқ берди. Тиббиётнинг сир-синоатлар, қолаверса, очилмаган қирралар Эркин Турсуновни соҳага бўлган иштиёқини янада ошириб, ёш олим 1991 йилда “Пестицидлар таъсирида гепатобилиар тизим структур-функ-



ционал характеристикаси” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлашга эришиб, 1992 йилда профессор унвонини олди. Унинг илмга бўлган талабчанлиги ҳамда янгиликлар сари изланишларини инobatга олган раҳбарият малакали мутахассисни 1991 йилда институтнинг гистология кафедраси мудури этиб тайинланди. Ёш талабаларни ҳар томонлама билимли, зукко ҳамда етук мутахассис даражасига етказиш учун педагог ўқитувчилардан масъулия талаб қилинади. Шундай экан, бу вазифани ўз бурчи деб билган профессор Эркин Атабаевич 1993-1995 йилларда институтнинг мураббийлар кенгаши раиси, “Билим ва амал клуби” ҳамда талабалар илмий жамияти раиси бўлганида ҳам изланишда давом этди. Жамоа орасида ўзининг обрўсига эга бўлган профессор 1995-1997 йилларда маънавият ишлари бўйича проректор лавозимида ишлади. Албатта, машаққатли меҳнат ортида масъулият ётади деганларидек, бу каби иборани чин дилдан ҳис этган тажри-


бали устоз изланишлари давомида 5 та муаллифлик гувоҳномаси, 400 дан ортиқ илмий ишлар, 18 та ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалар, 7 та монография муаллифи, 5 та монографияга муаллифдош, 10 шеър ва бадиий китоблар чоп этишга мурасар бўлди. 1981 йилда фидойи инсон Эркин Турсунов кафедра қошида электрон микроскопия лабораториясини ташкил этди. Ва 2002 йилгача бу лабораторияга жамоат-

гистология фанини уч босқичда (микроскопик тузилиши функциялар ва клиник



ўқитишни тарғиб қилиб келмоқда, шу билан бирга фаннинг цитология қисмига хусусий цитология бобини киритиб, 2010-2011 йилларда гистология фанидан биринчи ва иккинчи курс талабалари учун ўқув қўлланмаларини ёзган. 2012-2014 йилларда Грант асосида ўзбек ва рус тилида гистология

диган ўзгаришларни умумморфологик, элетронмикроскопик, гистохимиявий, автордиография, морфометрик усуллар билан ўрганиб, “крипта-ворсинка” тизимидаги энтероцитларда бўладиган пролиферация, дифференцировка, миграция, экстрүзия каби жараёнлар қонуниятларини ўрганди. Резекциядан сўнг, ичак сўрувчи хужайраларнинг дифференцировкаси тезлашиб, яшаш муддати 20-24 соатларга қисқариши аниқланди. Бу ҳолатлар ичакдаги компенсатор мослашув жараёнларининг тузилмавий асослар эди. Мослашув жараёнларнинг намоён бўлиши ичакдаги нишонланган моддалар – витамин В<sup>12</sup>, олеин кислота-си, нейтрал ёғларнинг сўрилишини радиологик усулда ўрганиш орқали яна бир бор тасдиқланди. Бу ишлар юздан ортиқ тажрибавий итларда 3 йил ичида олиб борилди ва изланишларда Г. Синьякова ва А. Парниевлар иштирок этди. Итлардаги операцияларни эса Э. Турсунов, А. Пар-



чилик асосида раҳбарлик қилиб келди. 30 нафардан изланувчилар мазкур лабораторияда ўз илмий ишларини бажариб, диссертацияларини ҳимоя қилдилар.

Эркин Атабаевич талабчан педагог сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институтини жамоаси ва талабалари ўртасида ҳурмат қозонган. Устоз талабалар учун 20 дан ортиқ ўқув-услубий қўлланмалар ёзди. Шунингдек, олим бошқарган кафедра институтда биринчилардан бўлиб ўқишда ахборот-компьютер технологияларидан, замонавий интерфаол усуллардан фойдаланиб келмоқда. 2000 йилларда институт раҳбарияти ёрдамида кафедранинг 5 та ўқув хонасида қисқа дистанцияли телевизион ўқиш технологияси йўлга қўйилган. Эркин Турсунов доимий равишда тиббий-замонавий фанларни клиник йўналишда ўқитишни, масалан



фани бўйича 1-2 курс талабалари учун ўқув адабиётларини нашр эттирди. Шогирди Шахноза Абзалова билан эса гистология, цитология бўйича талабалар учун қўлланма бўйича талабалар учун қўлланма атлас яратди.

Шу ўринда устознинг ёш олим бўлган давридаги фаолиятларга ҳам назар ташласак. Касбига садоқат билан ёндошган жонқуяр инсон ўз ишида оч ичак олиб ташланганда қолган ингичка ичакнинг деворида бўла-

пиев ва Н. Шарафутдинхўжаевлар олиб боришди. Илмий салоҳият йўлидаги машаққатли изланишларга кизиқиши ортган устоз биринчи илмий ишини жигарда бошлаган учун уни доим токсик гепатитлар кизиқтирар эди, шунинг учун у докторлик ишларини жигар устида бошлади. У ўз изланишларида турли захарли ядохимикатлар билан ўткир, сурункали ва кетма-кет захарланганда жигар ва ўт йўлларида бўладиган

Давоми 3 бетда

ТИББИЁТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

# МИЛЛАТНИНГ САДОҚАТЛИ УСТОЗ-ШИФОКОРИ

морфо-цитологик ўзгаришлар, ўт таркиби ва ўт ажралиши, жигарда фибрознинг пайдо бўлиш механизлари, ядохимикатларнинг ўт йўллари таъсири ва



та Купфер ва Ито хужайралари (жигар макрофаглари ва липоцитлари) ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бузилишидан келиб чиқ

лан бирга ўрганилди ва бу билан бир қатор қонуниятлар очилди. Бу ишлар Тошкентда академик К. Зуфаров, Москвада “Экогигиена ва экология” институти морфология лабораториясида профессор Т. Бонашевская раҳбарлигида ва Санкт-Петербургда Россия Фанлар Академияси Цитология институти цитогенетика лабораториясида профессор Б. Кудряцев билан ҳамкорликда олиб борил



ниҳоят, токсик гепатитларни янги биоконплекслар билан даволаш усулини ишалаб чиқди. Бунинг баробарида биринчи бор хлорорганик, фосфорорганик, нитропрепаратлар билан ўткир ва сурункали захарланганда жигарда бўладиган морфологик ўзгаришларнинг фарқларини кўрсатиб берди, ўт кислоталари кам ажралганда захарли моддаларнинг таъсири кучайишини, ўт кислоталари айниқса, триоксидли ўт кислоталарининг захарли моддаларни ўзларига конъюгация қилиб, жигардан олиб чиқиб кетишларини аниқлади. Олим томонидан биринчи марта захарли моддалар бир вақтнинг ўзида ҳам жигар хужайраларини ҳам ўт йўллари жароҳатланишини ва бу жараённинг бирга синхрон кечиши аниқланадики, бу ян

завия го я асосида купфер хужайралари фаолиятини токсик гепатитларда кучайтириш йўли билан фиброзларни олдини олиш мумкинлиги исбот этилди. Ушбу ишдан олинган яна бир янгилик, бу ўт каналчалари ва майда ўт йўллариининг морфологик бузилиш холестатик гепатитнинг бошланишига йўл очиб



савияда маърузалар ва амалий машғулотлар олиб бормоқда.

Фидойи инсон 2003-2010 йилларда Юнусобод тумани “Октепа” маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиб, фаолияти давомида республика миқёсида ўтказилган танловларда нуфузли ўринларга сазовор бўлган.

Устознинг умр йўлига чизгилар берар эканмиз, у кишининг ибратга тўла ҳаётини қанча эътироф этсак, шунча оз, деган фикрга келдик. Зеро, қалби меҳнатга ташна самимий инсон 2017 йилнинг октябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашиб, жамиятимиз тарққитининг шиддат билан ўзгариб бораётганлиги ва бу борада ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томнлама интеллектуал салоҳиятли қилиб вояга етказишда бор куч имкониятларини сафарбар этиб, ватан равнақи йўлида астойдил хизмат қилиш борасидаги фикрлари билан мулоқотда бўлди.



чиқарган. Шу ўринда айтиш жоизки, фаол жамоатчи институтда 2008 йилда “Истеъдод” грантини ютган ва хорижда сафарда бўлиб, шу йили Халқаро экологлар академиясига ҳақиқий аъзо ва шу Академиянинг Ўзбекистон филиалига раҳбарликка тайинланган. У 1995 йилдан буён Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси бюллетени, журнал таҳририяти аъзоси ҳамда шаҳар нурунийлар кенгашида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

**Устоз**  
**изланишлари давомида 5**  
**та муаллифлик гувоҳномаси, 400**  
**дан ортқиқилмий ишлар, 18 та ўқув ва**  
**ўқув-услубий қўлланмалар, 7 та моно-**  
**графия муаллифи, 5 та монографияга**  
**муаллифдош, 10 та шеърый ва ба-**  
**дий китоблар чоп этишга**  
**муяссар бўлди.**

Айни пайтда Эркин Атабаевич институтнинг Гисталогия, патологик физиология, кафедраси профессори ҳамда Васийлик ва кузатув кенгаши раиси вазифаларида ишлаб, талабаларга гистология фанидан юкори

Эркин Атабаевич Турсунов Собиқ иттифок даврида “Соғлиқни сақлаш аълочиси” кўкрак нишони, 2017 йилда “Ўзбекистон Конституциясига 25” йил эсдалик нишони, 2019 йилда эса “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирланди.

**Сўзларимизни қуйидаги шеърый мисралар билан ақунлашни лозим топдик:**

*Устозлик безакдир мартабангизга,  
Эзулик муносиб қутлуг ёшингизга.  
Мунаввар умрининг 85 баҳори бўлган,  
Таваллуд кунингиз муборак бўлсин!*

**Ибодат СОАТОВА,**  
журналист.

ди. Тиббиётимиз фидойиси бўлган Эркин Турсуновнинг ютуғи шунда эдики, у биринчи марта пестицидлар таъсирида гепатобилиар тизимни тизим сифатида ҳар томнлама ўрганди ва тизимга юкори баҳо берилди... Ҳа, олим кашф этган изланиш ва янгиликларни чексиз давом эттиришимиз мумкин. 2012-2016 йилларда Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси инновацион лойиҳасини қўлга киритиб, Давлат гранти асосида гистология фанидан кирилл, лотин графикасида ўзбек рус ва инглиз тилларида 5 та ўқув қўлланма ва 2 та монография ёзди. Бунинг баробарида шу йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Экология, тиббий маданият йўналишлари бўйича грант доирасида фаолият юритиб, китоблар

беришидир. Бу вақтда майда ўт йўлларида апоптознинг кучайиши, хужайра бўлакчаларининг тўпланиши асоратни янада кучайтиради ва ўт ажралишини секинлаштиради, ўт тўпланишига сабаб бўлади ва холестатик гепатитга олиб келади. Олим томонидан биринчи марта пестицидлар таъсирида ўт ажралишининг хусусиятлари, ўтнинг таркиби, гепатоцитлар, ўт йўллари эпителийсининг ультраструктурхусусиятлари би

гилик катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Бу янгилик токсик гепатитларда ўт секрециясини тиклаш биринчи аҳамиятга молик эканлигини кўрсатди. Олимнинг бу ишига Россия Фанлар Академияси Цитология институти олимлари катта баҳо берди.

Маълумки, ядохимикатлар билан захарланганда кўп вақт жигарда бўлакчалар ичи фиброз касаллиги авж олади. Олим бу касалликни келиб чиқишида биринчи мар



Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2023 йилда тасдиқланган чора тадбирлар режасига асосан жорий йилнинг 26-28 январь кунлари Сирдарё вилоятига хизмат сафари амалга оширилди.

Марказ директори, профессор Хуршид Фозилов бошчилигида ҳудудлар бўйича директор муовини А. Каримов, марказнинг Сирдарё вилояти бўйича куратори тиббиёт фанлари доктори Н. Зокиров ва мобил гуруҳ аъзолари томонидан Сирдарё вилоятининг шаҳар, туман шифохона ва оилавий поликлиникаларида аҳолининг кенг қатлами тиббий кўриқдан ўтказилди. Вилоят мутахассислари бирламчи бўғин шифокорларига юрак-қон томир касалликларини даволаш ва диагностикаси, шунингдек, юқори технологик амалиётлар мавзусида семинар ташкил этиб, кардиологиянинг долзарб масалалари

## ҲАМКОРЛИКДАГИ ФАОЛИЯТЛАРНИНГ САМАРАЛИ НАТИЖАСИ

бўйича маърузалар қилишди. Гулистон шаҳрининг 3-сон ва 4-сон оилавий поликлиникаларида 104 нафардан ортик беморга тиббий маслаҳат берилди. Ташриф давомида мобил гуруҳ аъзолари томонидан марказнинг Сирдарё вилояти минтақавий филиалида даволанаётган беморларда

тиббий кўриқ ва текширувлар олиб борилди. Реанимация бўлимида даволанаётган 7 нафар беморлар текширилиб, керакли тавсиялар берилди. Шу куни марказнинг Сирдарё

вилоят минтақавий филиали рентгенэндоваскуляр жарроҳлик бўлимида марказ директори Хуршид Фозилов томонидан коронарография ва тож томирларини стентлаш бўйича маҳорат дарси ўтказилди. Шунингдек, филиалда даволанаётган юрак ишемик касаллиги билан оғриган бе-



морлар Эгамкул Маллаев ва Баҳодир Тўлкиновларда коронарография ва стентлаш эндоваскуляр жарроҳлик опера-

цияси муваффақиятли амалга оширилди. Ҳозирда беморларнинг аҳволи яхшиланиб саломатлиги тикланмоқда.

*Хулоса ўрнида айтиб ўтиш жоизки, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази раҳбарияти ва жамоасининг ҳудудлар кесимидаги амалга ошираётган ишлари жойлардаги мутахассислар малакасини ошириш ҳамда аҳоли саломатлиги учун кенг имконият ва қулайликлар яратаётганлиги аҳамиятга моликдир.*

Намозжон ТОЛИПОВ.

### ИМКОНИАТ

Орол денгизининг қуриган қисмида ҳосил бўлган саҳродан йилига миллионлаб тонна тузли чанг кўтарилди, аввало, ушбу ҳудуд аҳолиси саломатлигига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда.

сус аллергологик текширувлардан ўтказилади. Шундан сўнг аниқ ташхис асосида бронхиал астмага чалинган беморларда даво чоралари эрта босқичда бошланади.

Қолаверса, 25 та бирламчи бўғин тиббиёт муассасаси хо-

## АЛЛЕРГИК КАСАЛЛИКЛАРНИ ЭРТА АНИҚЛАШ ВА ДАВОЛАШ БЎЙИЧА ЯНГИ ЛОЙИҲА

Бу эса минтақада турли сурункали касалликлар, жумладан, бронхиал астма ва аллергия ринит кучайишига олиб келаётгани сир эмас. Шундай муаммоларни бартараф этиш мақсадида Республика илмий ихтисослаштирилган аллергология маркази янги лойиҳани рўёбга чиқаришга киришди. У Қорақалпоғистон аҳолиси ўртасида атопик синдромни эрта аниқлаш, ташхислаш усулларини татбиқ этиш ва жойларда “Аллергия ва астма” мактабларини ташкил этишга қаратилган.

Лойиҳа ижроси доирасида дастлаб бронхиал астма, аллергия ринит, конъюнктивит, қаварчиклар, кўп шаклли эритема, атопик ва аллергия дерматит, токсикодермия, инсект аллергия ҳамда ангионевротик шиш каби касалликлар бўйича тиббий рўйхатда турувчи беморлар тўғрисида маълумотлар жамланмоқда. Ўз навбатида, Нукус шаҳридаги оилавий поликлиникалар ходимлари кўмағида аҳоли ўртасида махсус сўровномалар ўтказиляпти. Шу орқали аксириш, бурун битиши, бурун оқиши, кўз соҳасида қичишиш, кўз ёшланиши, қизариш, нафас йўлларида қичишиш, йўтал, хириллаш, ҳаво етишмаслиги, турли тошмалар, шишлар пайдо бўлиши каби белгилар кузатилаётган беморлар аниқланмоқда. Бинобарин, уй ҳайвонлари билан мулоқотда, ҳашаротлар

чакқанда, дорилар қабул қилганда ва таомланганда аллергия реакциялар қайд этилувчи беморлар рўйхати шакллантириляпти. Саволномалар 18 ёшдан кат-



та аҳоли қатламини қамраб олмақда. Айни пайтда янги очилган махсус телеграм-бот орқали тахлилий маълумотлар қабул қилиниб, тегишли тартибда тахлил қилинапти. Бу жараён уч ой давом этиши белгиланган.

Кейинги босқичда хасталикка гумон қилинган фуқаролар ма-

димларига аллергия касалликлар билан курашиш, унинг олдини олиш ва аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш юзасидан 36 соатлик маҳорат дарслари

ўтилди. Шунингдек, мазкур лойиҳа ҳудудлар кесимида атопик касалликлар статистикаси ва базасини ишлаб чиқиш имконини беряпти. Тўпланган маълумотлар мавжуд хавф омилларини аниқлаш, баҳолаш ва унга қарши кенг қамровли чоралар кўришга хизмат қилади.

*Лойиҳанинг якуний босқичида оилавий поликлиникаларда ишловчи шифокор, эрта тиббиёт ходимлари учун атопик касалликлар бирламчи диагностикаси ҳамда профилактикасини ўргатишга қаратилган “Аллергия ва астма” мактаблари фаолияти йўлга қўйилади.*

Илмира РАЗИКОВА,  
Республика илмий ихтисослаштирилган  
аллергология маркази директори.

### МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ТЕКШИРУВЛАР

## 50 ТУРДАГИ НАСЛИЙ КАСАЛЛИКЛАРНИ ОЛДИНДАН АНИҚЛАШ МУМКИН

Ирсий касалликлар — миллат генофондида энг катта таҳдидлардан бири. Никоҳланувчи ёшларда молекуляр-генетик тахлиллар ўтказилиши гўдаклар ирсий касалликлар билан туғилишининг олдини олишда катта қадам бўлиши табиий.

Молекуляр-генетик тахлиллар инсонларда гендан генга ўтиб келаётган ирсий касалликларни аниқлашда қўлланади. Уларнинг юртимизда кенг тарқалган турларидан бири спинал мушак атрофияси (СМА) дир. “Спинал мушак атрофияси ташхиси қўйилган бемор болалар учун



никоҳланувчи томонлардаги ирсий занжирларни топиш имконини беради. Шу пайтгача никоҳдан олдин генетик текширувлардан ўтиш ихтиёрий эди. Табиийки, ҳамма ҳам бунга эътибор бермаган. Бу эса наслининг заифлашиб боришига сабабчи бўлиб қолиши мумкин. Бироқ бу

хавфни яхши англайдиган юртдошларимиз ҳам бор. Улар бизга мурожаат қилганда зарур генетик тахлилларни олиб, натижаларига кўра консултациялар бериб келяпмиз. Мутахассислар фикрича, молекуляр-генетик текширувларни чуқурлаштириш орқали Ўзбекистонда чақалоклар камида 50 турдаги наслий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мумкин экан. Буни амалга олиш кенг татбиқ қилиш учун бизга қонуний асос керак эди. Шу ҳуқуқий пойдевор яратилгач, 2023 йилдан никоҳланувчи шахсларда ялпи генетик тахлилларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Никоҳланувчи шахсларни молекуляр-генетик тестдан, ҳомиладор аёлларни молекуляр-генетик диагностик лаборатория текширувдан ўтказиш

хавфни яхши англайдиган юртдошларимиз ҳам бор. Улар бизга мурожаат қилганда зарур генетик тахлилларни олиб, натижаларига кўра консултациялар бериб келяпмиз. Мутахассислар фикрича, молекуляр-генетик текширувларни чуқурлаштириш орқали Ўзбекистонда чақалоклар камида 50 турдаги наслий касалликлар билан туғилишининг олдини олиш мумкин экан. Буни амалга олиш кенг татбиқ қилиш учун бизга қонуний асос керак эди. Шу ҳуқуқий пойдевор яратилгач, 2023 йилдан никоҳланувчи шахсларда ялпи генетик тахлилларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлди.

Шаҳноза ЗУФАРОВА,  
Республика аҳоли  
репродуктив саломатлиги  
маркази директори.

**ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни амалиётга жорий этиш тўғрисида” кўрсатма хатининг ижросини таъминлаш мақсадида, куни кеча Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамда Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази билан ҳамкорликда вилоятда “Глаукома билан касалланишнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш” мавзусида илмий амалий семинар тадбири бўлиб ўтди.



Тадбирга Вобкент туман тиббиёт бирлашмасининг бирламчи бўғинида фаолият кўрсатаётган шифокор ва ҳамширалар таклиф этилди. Тадбирни филиал директори Ж. Сафаров Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг “Самарадорлиги юқори бўлган лойиҳаларни амалиётга жорий этиш тўғрисида” кўрсатма хати бўйича амалга оширилаётган фаолиятлар юзасидан маълумотлар билан бошлаб бериб, тадбир иштирокчиларини қутлаш ва ушбу илмий амалий анжуманнинг мақсад ва вазифалари билан таништириш мақсадида сўз вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармасининг бош мутахассиси Маъмурахон Сафоевага берилди. “Кўз инсон ҳаётида бебаҳо неъматдир, ёруғ оламни минг турфа рангларда кўриш бахтидан ҳам юксак бахт бўлмаса керак” де-

**КЎЗ ИНСОН ҲАЁТИДА БЕБАҲО НЕЪМАТДИР**



йди бош мутахассис. Юртимизда ислохотлар инсон кадр учун олиб борилаётган экан, бугунги куннинг хар бир тиббиёт ходими масъулиятни зиммасига теран англаган ҳолда, ҳалоллик билан, виждон амри

билан ҳалқимизга самарали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиши лозимлиги ҳақида йиғилиш иштирокчиларига батафсил кўрсатма ва топшириқлар берилди.

“Глаукома билан касалла-

нишнинг олдини олиш, эрта ташхислаш ва даволаш” мавзусидаги маъруза тақдими фи-

*Йиғилиш сўнгида мақсад ва вазифлар белгилаб олинди. Барча иштирокчиларга тарқатма материаллар тақдим этилди.*

лиал офтальмологи, Р. Бобоева томонидан ўтказилди. Унда глаукоманинг асосий белгиси - кўз ичи босимининг кўтарилишидир. Кўз ичида босимнинг мудом кўтарилиб туриши кўзнинг кўриш фаолиятини пасайтириб юборади, ўз вақтида даво чоралари қўлланилмаса, асоратларга олиб келади, ҳатто кўз кўрмай қолиши мумкинлиги тўғрисида, унинг белгилари, симптомлари ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтди. Илмий-амалий анжуманнинг амалий қисмида барча йиғилиш иштирокчиларига маҳорат дарслари ташкил этилиб, унда кўз ички босимини янги замонавий аппарат ёрдамида ўлчаш усуллари филиал офтальмологи М. Ҳасанов ҳамда бош ҳамшира Г. Баймурадова томонидан томонидан кўрсатиб берилди.

**ТИББИЙ КЎРИК**

Юртбошимиз томонидан 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” деб эълон қилиниши муносабати билан, аҳолига самарали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, узоғни яқин қилиш, саломатлигини янада мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш мақсадида, Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан Вобкент туман аҳолиси учун чуқурлаштирилган тиббий кўриклар хорижий давлатлар мутахассислари иштирокида ташкил этилди.

**ВОБКЕНТ ТУМАНИДА ИЛК БОР БУЙРАК КЎЧИРИШ АМАЛИЁТИ ЎТКАЗИЛДИ**

Эрта тонгдан бошланган тиббий кўриклар Вобкентликлар учун байрам тадбирига айланиб кетди. Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг вилоят филиали, Бухоро Давлат тиббиёт институтининг юқори малакали мутахассислари, нейрохирург, педиатр, акушер-гинеколог, невропатолог, кардиолог, травматолог, уролог ва бошқа мутахассислар аҳоли чуқурлаштирилган тиббий кўриклардан ўтказишди. Шунингдек, Вобкент туманида илк бор буйрак кўчириш операцияси амалга оширилди. Ушбу мураккаб операцияга Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори С.Исмаилов раҳбарлигидаги малакали мутахассислар бошчилик қил-



ди. Буйрак етишмовчилиги туфайли ўтган йил март ойдан буён диализ муолажаларини олиб келаётган Қоровулбозор туманилик ёш беморга отаси

донорлик қилди. Шунингдек, туманда 3 нафар беморда лапароскопик, 2 нафар фукарода артроскопик ва ангиографик амалиётлар бажарилди.

**Маъмурахон САФОЕВА,**  
Бухоро вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқарма бош мутахассиси, Вобкент туман куратори.

**ЭЪТИРОФ**

**РАҚАМЛИ СТОМАТОЛОГИЯ АССОЦИАЦИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛДИ**

Исроил стоматология ассоциацияси томонидан Тель-Авив шаҳрида ўтган “Рақамли стоматология – янги воқеълик” халқаро конференциясида Тошкент давлат стоматология институти делегацияси иштирок этди.



Эндиликда стоматологиянинг барча мутахассисликларида “Рақамли стоматология” йўналиши бўйича амалий машғулотлар жорий этилиб, магистрлик диссертациялари қўламида илмий-тадқиқот ишлари ўтказилади.

Жорий ўқув йилидан Тошкент давлат стоматология институти педагоглари Европа, АҚШ, Япония ва Ҳиндистон каби мамлакатлар профессорлари билан ҳамкорликда маърузалар ташкил этади.

## ЭЗГУЛИК

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани "Янгиобод" маҳалласи раиси, хотин-қизлар бўйича маҳалла фаоли ва 46-сон оилавий поликлиника бош врачлари С. Халилова ҳамкорлигида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида "Ногиронлиги бўлган шахслар"ни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

## ҲЕЧ БИР ИНСОН ДАВЛАТИМИЗ ВА ЖАМИЯТИМИЗ ЭЪТИБОРИ ВА МЕҲРИДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

Янгиобод" маҳалласи раиси, хотин-қизлар бўйича маҳалла фаоли ва 46-сон оилавий поликлиника бош врачлари С. Халилова ҳамкорлигида "Ногиронлиги бўлган шахслар"га совғалар топширилди. Маълумки,



Бирлашган Миллатлар Ташкилати бош Ассамблеясининг 1992 йил 14 октябрдаги 47/3-сонли резолюциясига мувофиқ ҳар йили 3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни сифатида бутун дунё бўйлаб нишонланади.

*Унинг мақсади - жамият ҳаётининг барча соҳаларида ногиронлар ҳуқуқларини рағбатлантириш, шунингдек, ногиронлар муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб қилишдан иборат.*

**Шайхонтоҳур тумани 46-сон оилавий поликлиника ахборот хизмати.**

## ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ

Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт марказида илғор амалиётлар жорий этилган.

## ТЕРИ ҲУЖАЙРАЛАРИНИ КЎЧИРИБ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА 177 ТА АМАЛИЁТ ЎТКАЗИЛДИ

Айни пайтда Ашифохонамизда куйидаги инновацион технологияларда волаш усулларидан фойдаланилмоқда.



лимида эса юздаги куйидаги эстетик операциялар: отоластика, риноластика, блефаропластика, юзжағ соҳасидаги туғма ва орттирилган нуқсонларни бартараф этиш, танадаги эстетик етишмовчиликларни тузатиш, юз ажинларини кетказиш, кулоқ супрасининг туғма ва орттирилган нуқсонларини аутотрансплантат ва тери кўчириб ўтказиш билан тиклаш, шалпангкулоқлик ва кулоқ деформацияларини тўғрилаш, юқори лабдаги туғма нуқсонларни бартараф қилиш, уранопластика, юқори қовоқлар туғма птози, ринофима касаллиги, макро ва микрогнатияда юқори жағ ва пастки жағ остеотомияси; абдоминоластика каби қатор ноёб амалиётлар ўтказиб келинмоқда.

Лазер технологиялари ёрдамида бартараф этиладиган терининг хуснбузар, чандикли, туғма қон-томир касалликлари, пигментациялар, татуажларни йўқотиш, витилигони даволашда меланоцитар аутотрансплантация, трихологияда соч кўчириб ўтказиш операциялари шулар жумласидан.

Хусусан, ўтган йили 61 нафар беморда соч толаларини кўчириб ўтказиш муолажаси олиб борилди (2021 йилда 14 нафар эди). Тери пигментацияси бузилиши билан хасталанган 177 нафар кишида меланоцит хужайраларини кўчириб ўтказиш амалиёти бажарилди ва бу борадаги кўрсаткичлар ундан аввалги йилга нисбатан 140 тага кўпайди. Марказнинг пластик жарроҳлик бў-

**Бобур ТОИРОВ,**  
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари доктори.

## СЕМИНАР

Давлатимиз томонидан мамлакатимиз тиббиёт тизимига оид қабул қилинаётган ҳар бир меъёрий ҳужжатлар замирида инсон саломатлиги мужассам эканлигини кўрамыз. Албатта, қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш соҳа ходимлари олдида муҳим вазифаларни юклайди.

Шундай экан, 2023 йилнинг 20 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан "Одамнинг иммунитет танқислиги вирусини келтириб чиқарадиган касалликка қарши курашиш тизимини янада кучайтириш чо-

малый тиббиёт марказлари ва клиник шифохоналари ҳамда Тошкент шаҳридаги тиббиёт муассасаларининг ҳамширалари учун ўқув семинари ташкил этилди. Семинарни ОИВ билан яшовчи шахсларни даволаш, парвариш қилиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича Марказий Осиё ўқув

## МАҚСАД: АҲОЛИГА СИФАТЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ



ра-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Албатта, бунда 2022 йил 18 март куни ўтказилган Давлатимиз раҳбарининг соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан "Тиббиётдаги ислохотлар – инсон кадрини учун" мавзусидаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, ОИВ инфекциясини профилактика қилиш, унга ташхис қўйиш ва даволаш сифатини янада ошириш, аҳоли орасида ОИВ инфекциясини аниқлаш бўйича текширувлар камровини ошириш, беморларга сифатли тиббий ва руҳий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш, уларни зарур дори воситалари билан тўлиқ таъминлаш ҳамда ижтимоий ҳимоясини кучайтириш муҳим вазифа этиб белгиланди. Ушбу долзарб масалалар ижросини таъминлашда, албатта, ҳам-

шираларнинг ҳам ўрни алоҳида аҳамият касб этади. Меъёрий ҳужжатда таъкидлаб ўтилган ҳар бир топширик ва вазифалар ҳамширалар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ҳар бир мутахассис авваломбор, қабул қилинган қарорнинг мазмун моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда касбий кўникмаларга эга бўлиши зарур. Юқоридаги қабул қилинган қарор ижросини бажариш мақсадида Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси томонидан пойтахтимиздаги ихтисослаштирилган илмий-а-

маркази директори Гўзал Гиясова кириш сўзи билан очиб, аввало, иштирокчиларга тизимга оид қабул қилинган қарор тўғрисида чуқур маълумот бериб ўтди. Шунингдек, мазкур касаллик хусусида ҳам ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб, фаолиятдаги барча ҳамшираларга ишларига жиддий ёндошган ҳолда берилган вазифа ва топшириқларни меъёрий қоидалар асосида олиб бориш бўйича ўзининг муҳим тавсияларини берди. Семинар иштирокчилари касбий кўникмаларидан келиб чиққан ҳолда мутахассисларга айрим саволлар билан мурожаат қилишди.

*Мазкур тадбирдан кўзланган асосий мақсад, инсон саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни олдини олиш, тўғри ташхис қўйиш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишдан иборатдир.*

**Гулнора УСМОНОВА.**  
Ўзбекистон ҳамширалар ассоциацияси раиси.

## ФТИЗИАТРИЯ

Известно, что за последние пять лет заболеваемость туберкулезом у детей снизилась на треть. Но перенесенный COVID-19 (а кто не болел им за последние три года?) может стать триггером, если в организме ребенка есть "спящая" инфекция. Об этом рассказала главный внештатный детский специалист-фтизиатр Минздрава России, профессор Валентина Аксенова.

## КОМУ, ЗАЧЕМ И ПОЧЕМУ ИМЕННО СЕЙЧАС НУЖНО СДАВАТЬ ТЕСТЫ НА ТУБЕРКУЛЕЗ

КАК ЗАЩИТИТЬ СЕБЯ И РЕБЕНКА ОТ ТУБЕРКУЛЕЗА?

Источник: Минздрав РФ

**КАК ПЕРЕДАЕТСЯ:**

- ОТ БОЛЬНОГО ЧЕЛОВЕКА ПРИ КАШЛЕ, ЧИХАНИИ
- ЧЕРЕЗ ПОСУДУ И ОБЩИЕ ПРЕДМЕТЫ (ПОЛОТЕНЦЕ, ПОСТЕЛЬНОЕ БЕЛЬЕ), ЕСЛИ ИМИ ПОЛЬЗУЕТСЯ БОЛЬНОЙ

**СИМПТОМЫ:**

- СЛАБОСТЬ
- ПОТЕРЯ АППЕТИТА
- СНИЖЕНИЕ ВЕСА
- ТЕМПЕРАТУРА ОКОЛО 37,5
- ОБИЛЬНЫЙ ПОТ НОЧЬЮ
- КАШЕЛЬ
- КАШЕЛЬ С КРОВЬЮ (НА ЗАПУЩЕННОЙ СТАДИИ)

**ПРОФИЛАКТИКА:**

- НЕ КУРИТЬ
- ПРАВИЛЬНОЕ ПИТАНИЕ
- ФИЗИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ
- ИНДИВИДУАЛЬНАЯ ПОСУДА
- УСЛАЖЕНАЯ УБОРКА И ПРОВЕТРИВАНИЕ ПОМЕЩЕНИЙ
- УСЛАЖЕНИЕ ИММУНИТЕТА (ЗАКАЛИВАНИЕ)

**ТУБЕРКУЛЕЗ - ЭТО ОПАСНО**  
ПОРАЖАЮТСЯ ЛЕГКИЕ, ПОЧКИ, ЛИМФАТИЧЕСКАЯ СИСТЕМА, КОСТИ, ГЛАЗА, МОЗГ

**ДЛЯ ДЕТЕЙ:**  
ВАКЦИНАЦИЯ И РЕВАКЦИНАЦИЯ БЦЖ-НА 3-7 СУТКИ ПОСЛЕ РОЖДЕНИЯ, В 7 И 14 ЛЕТ

**ДЛЯ ВЗРОСЛЫХ:**  
ЕЖЕГОДНАЯ ПРОБА МАНТУ  
ЕЖЕГОДНЫЙ ДИАСКИН-ТЕСТ  
ЕЖЕГОДНАЯ ФЛЮОРОГРАФИЯ В РАМКАХ ДИСПАНСЕРИЗАЦИИ

— Сейчас в мире 1 млрд детей ежегодно заболевает туберкулезом, 233 тыс. умирают, в основном это дети младше пяти лет. В нашей стране благодаря профилактике другая ситуация: шанса в случае заражения избежать тяжелой формы болезни. Боязнь прививок вызвана страхом перед осложнениями, хотя на самом деле такие случаи единичны. В то же время отказ родителей от вакцинации может привести к росту заболеваемости среди детей, появлению тяжелых форм заболевания, которые могут закончиться очень печально. Опасно и то, что родители отказываются от иммунологических проб. Микобактерия туберкулеза, однажды попав в организм, имеет способность длительно находиться там в "спящем" состоянии. Пока у ребенка хороший иммунитет, возбудитель никак не проявляет себя, инфицированный ребенок прекрасно себя чувствует.

Если ребенок получил положенные прививки, то туберкулеза можно не бояться. Согласно Национальному календарю профилактических прививок, первую вакцину от туберкулеза получает 95% детей. Но тех, у кого есть медицинские противопоказания, прививают позднее. Родители могут отказаться от прививки, но тем самым они лишают ребенка

ет. Но при любых стрессовых ситуациях (поступление в школу, большие физические нагрузки) или заболеваниях, которые приводят к снижению иммунитета, микобактерия начинает быстро размножаться – развивается активная форма болезни. Таким триггером может выступить и перенесенная коронавирусная инфекция. Отказываясь от иммунологических

проб, и при стрессе развивается активная форма болезни.

### ВСЕМ ЛИ ДЕТЯМ ДОЛЖНА ПРОВОДИТЬСЯ ПРОБА МАНТУ?

**Михаил Лебедев:** Согласно правилам, тест проводится детям, которые получили прививку от туберкулеза, с 12-месячного возраста и до 18 лет один раз в год. Невакцинированным и детям из группы риска (например, с иммунодефицитом) – два раза в год.

### КАК ОЦЕНИТЬ РЕЗУЛЬТАТЫ ПРОБЫ?

**Михаил Лебедев:** На месте введения туберкулина образуется папула – такое кожное уплотнение, проще говоря, бугорок. Через 48-72 часа (на 3-й день) нужно измерить ее размер – именно папулу, а не участок покраснения кожи вокруг нее! Нормы размера папулы различны для детей разного возраста и учитывают, был ли ребенок привит. Поэтому оценивает результат пробы медицинский работник.

У нас в стране новорожденных прививают еще в роддоме на 3-7-й день жизни, а в 6-7 лет ребенку проводится ревакцинация.

### ЧТО ТАКОЕ ПРОБА МАНТУ?

**Михаил Лебедев:** Проба Манту (ПМ) определяет реакцию иммунной системы человека на наличие возбудителя туберкулеза – микобактерию. Когда выполняют пробу, подкожно вводят туберкулин – смесь антигенов к возбудителю, и смотрят на реакцию на коже. Это скрининговый тест, он помогает раннему выявлению инфекции.

### РОДИТЕЛИ НЕ РЕДКО БОЯТСЯ ДЕЛАТЬ РЕБЕНКУ ЭТУ ПРОБУ – А ВДРУГ ЗАБОЛЕЕТ?

**Михаил Лебедев:** Раньше для Манту применяли туберкулин, содержащий мертвые бактерии и продукты их жизнедеятельности. Но сегодня используется очищенная форма туберкулина (PPD-туберкулин), и вероятность побочных реакций крайне низка. В препарате нет ни живых, ни мертвых микобактерий, поэтому риска заболеть нет.

Туберкулез может находиться в "спящем" состоя-

### В КОНЦЕ ПРОШЛОГО ГОДА ЕЩЕ ОДИН НАШ ТЕСТ НА ТУБЕРКУЛЕЗ – ДИАСКИНТЕСТ – ВОЗ РЕКОМЕНДОВАЛА К ПРИМЕНЕНИЮ ВРАЗНЫХ СТРАНАХ. ЧТО ЭТО ЗА ТЕСТ?

**Михаил Лебедев:** Главное его преимущество – он не дает положительных результатов у вакцинированных БЦЖ и инфицированных большинством "неопасных" микобактерий. Поэтому этот тест применяют для углубленной диагностики у детей с положительной пробой Манту. Выполняется диаскинтест так же, как и Манту, – это тоже внутрикожный тест, и после введения препарата также оценивается (измеряется) размер папулы.

### МОЖНО ЛИ ВЫЯВИТЬ ТУБЕРКУЛЕЗНУЮ ИНФЕКЦИЮ ПО АНАЛИЗУ КРОВИ?

**Михаил Лебедев:** Для этого проводят иммунологические IGRA-тесты. Их можно применять вместо внутрикожных тестов, например, при наличии противопоказаний. У пациента берут кровь, а тест проводят вне организма, в пробирке, – такое исследование не имеет противопоказаний и побочных реакций.

Положительный результат IGRA-тестов свидетельствует о наличии туберкулезной инфекции. В таком случае необходима консультация врача-фтизиатра для определения дальнейшей тактики обследования.

### НУЖНО ЛИ ПРОХОДИТЬ ТЕСТЫ НА ТУБЕРКУЛЕЗ ВЗРОСЛЫМ ЛЮДЯМ?

**Михаил Лебедев:** Все скрининговые тесты предназначены для выявления туберкулезной инфекции среди всех людей. Но особое значение эти тесты имеют в так называемых группах риска – при наличии семейных, бытовых или профессиональных контактов с возможным источником инфекции, у лиц с иммунодефицитом различной этиологии; у детей, не прошедших вакцинацию БЦЖ. Ранняя диагностика позволяет своевременно начать лечение, избежать осложнений и предотвратить дальнейшее распространение инфекции.

**Ирина  
НЕВИННАЯ.**

## “ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИ – ИНСОН ҚАДРИ УЧУН”

Таъкидлаш муҳимки, кейинги йилларда соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида кўплаб самарали фаолиятлар амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, бу каби муҳим вазифалар бирламчи тизим ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Чунки биринчи навбатда аҳоли саломатлиги учун авваломбор, бирламчи тизимдаги тиббиёт муассасаларига мурожаат қилади. Шу боис, Президентимиз ҳам тиббиётнинг асосий йўналиши бирламчи тизим фаолиятига катта эътибор қаратиб, аҳоли билан ҳамкорликда ишлаш ва соғлом турмуш тарзига эътибор қаратиш зарурлигини доимий такрорлаб келмоқдалар. Тиббиётимизнинг энг муҳим шиоридан бири “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмаслиги керак” деган оммавий тарздаги акциясининг замирида инсон саломатлиги ва унинг турмуш фаровонлиги мужжасамлигини кўра-миз. Шундай экан, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги яна бир хайрли ишни бошлади. 2023 йил 1 февралдан 1 мартгача юртимизда “Қишлоқ хўжалиги ходимлари саломатлиги ойлиги” акцияси бўлиб ўтади. Бу даврда мамлакатимиздаги аграр соҳа ходимлари- фермерлар, деҳқон, боғбонлар, кластер ходимлари ва уларнинг оила аъзолари, аввало, бепул профилактик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриklar скринингга ўткази-

## ЯНА БИР МАНЗИЛЛИ САЛОМАТЛИК АКЦИЯСИДАН АҲОЛИ МАМНУН

лади. Албатта, текширув натижаларига муофиқ, касалликлар аниқланган қатлам давлат кўмагида саломатликни тиклаш ва мустаҳкамлаш имконига эга бўлади. Ушбу акция доирасида Тошкент шаҳар Юнусобод туман тиббиёт бирлашмасига қарашли 51-сон оилавий поликлиникасининг тиббиёт ходимлари ва Тошкент шаҳар онкология диспансеридан 1 нафар онколог, Юнусобод туман 4-сил касалликлари диспансеридан 1 нафар фтизиатр, 3-тери таносил диспансеридан 1 нафар дерматологлар томонидан муассаса ҳудудда жойлашган Юнусобод туман ободонлаштириш бошқармаси ходимлари бепул профилактик кўрик ва чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилди. Ушбу тадбирда

тор мутахассисларидан окулист, ЛОР, кардиолог, невропатолог, эндокринолог, жаррох, травматолог, стоматолог, гинеколог, онколог, фтизиатр, дерматолог, терапевтлар ҳам иштирок этишди. Шу билан бирга тиббий кўрик иштирокчиларида клиник лаборатор таҳлил ЭКГ, УТТ, рентген текширувлари ҳам олиб борилди. Шу ўринда айтишим лозимки, тиббий текширув давомида 18 ёшдан 40 ёшгача бўлган аҳоли-оила профилактик кўригидан, 40 ва ундан катта ёшдаги аҳоли – юкумли бўлмаган касалликлар скринингидан, 35-55 ёшли аёллар-бачадон бўйни саратони текширувидан, 45-65 ёшли аёллар-қўқрак беги саратони скринингидан, 15-49 ёшли хотин-қизлар – профилактик кўрик, хомиладорлик-

ка монелик аниқлаш кўригидан, сил касаллиги бўйича хавф гуруҳига мансуб қатлам – флюорографик текширувдан, сурункали касаллиги бор беморлар – оилавий шифокор ва тегишли тор соҳа мутахассислари томонидан диспансер кўригидан, 1-18 ёшли болалар – чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан, 2-10 ёшли болалар – гельминтозга текширувдан, 3-18 ёшли болалар – онкогема-

тологик касалликлар скринингидан ўтказилади. Шунингдек, Юнусобод ҳудуддаги яшовчи ободонлаштириш бошқарма ходимлари ҳудуддаги поликлиникалардан тиббий кўриқдан ўтади. Бундан ташқари, ободонлаштириш бошқармаси бошқа туманда яшовчи ходимларини оила аъзолари турар манзили бўйича тиббий кўриқда иштирок этади.

*Албатта, ушбу тиббий кўрик ва скрининг текширувлар бепул амалга оширилмоқда. Ҳудудимиздаги мазкур манзилли саломатлик акцияси давом этмоқда.*

Гўзал ҚОДИРОВА.

Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани 51-сон оилавий поликлиника бош шифокори.

**Хабарингиз бор, 2023 йил 1 январдан Тошкент шаҳрида туғилганликни тиббиёт муассасалари орқали ФХДЁ бўлимларида қайд этиш тартиби жорий этилган.**

Эндиликда бола туғилиши билан тиббиёт муассасаси у ва ота-онаси ҳақидаги маълумотларни, жумладан, бола рўйхатга қўйиладиган поликлиника ва ички ишлар бўлими, навбатга қўйиладиган давлат мактабгача таълим ташкилоти ҳақидаги маълумотларни махсус электрон бланкага киритади ва автоматик равишда ФХДЁ бўлимига ахборот тизими орқали юборади. ФХДЁ бўлими туғилган-

ликни қайд этади ва QR-код (матрикс-трихли код) қўйилган туғилганлик ҳақидаги маълумотномани тиббиёт муассасасига юборади. Тиббиёт муассасалари маълумотномани боланинг ота-онасига тақдим этади. Ушбу

этиш қатъиян тақиқланади. Туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳнома фуқароларнинг исталган вақтдаги мурожаатларига асосан ФХДЁ бўлимлари томонидан экстерриториал тамойил асосида расмийлаштириб

## ТУҒИЛГАНЛИК ҲАҚИДАГИ ГУВОҲНОМАНИ ОЛИШ УЧУН ФХДЁГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

маълумотнома туғилганлик ҳақидаги гербли гувоҳномага тенглаштирилади ҳамда давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қабул қилишни рад

берилади. Оталик белгилаш ва ёлғиз она аризасига асосан туғилишни қайд этишда ҳамда топиб олинган (ташлаб кетилган) боланинг туғили-



шини қайд этишда бевосита ФХДЁ бўлимига мурожаат қилиниши лозим.

**Маълумот учун: мазкур тартиб 2023 йил 1 июндан бутун республика ҳудудида жорий этилиши белгиланган.**

@ssvuz

Газета муассиси:  
**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги**

Бош муҳаррир  
**Амрилло ИНОЯТОВ**  
Бош муҳаррир ўринбосари  
**Ибодат СОАТОВА**

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават.  
Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 722 нусха.  
Буюртма Г-235

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Хамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.